O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 27-aprel • N18 (3608)


## «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи қатнашчиларига

***Қадрли дўстлар!***

***Азиз ўғил-қизларим!***

***Авваламбор, барчангизни мамлакатимиз ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа — «Камолот» ҳаракатининг таъсис қурултойи очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.***

***Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик ва фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир.***

***Инсоният қадам қўйган янги - XXI аср глобаллашув асри, тараққиёт асри, фақат интеллектуал жиҳатдан юксак ривожланган давлатларгина дунёда устувор мавқе эгаллайдиган давр бўлиши барчамиз учун аён.***

***Мана шу йўлда мустақил Ўзбекистон давлати, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагини жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида кўришга азму қарор қилган заҳматкаш халқимиз ўзининг фидойи меҳнати билан дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай, тараққий топган мамлакатлар қаторидан ўрин олиб, тинч, фаровон ва осуда ҳаёт кечиришга ҳақлидир.***

***Лекин, кишилик тарихидан яхши биламизки, бундай ёруғ истиқболга эришиш ҳеч қачон, ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат учун осон ва енгил кечган эмас.***

***Улар ана шу эзгу мақсадларга кўп-кўп оғир синовлар, ёвуз хатти-ҳаракатларни, тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтиб, шижоат ва мардлик, метин ирода, мустаҳкам иймон-эътиқодини намоён этиб, қатъият билан курашиш туфайли эришган.***

***Мана шундай машаққатли ва шарафли курашларда, буюк интилишларни амалга оширишда, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилишда, керак бўлса, жонини фидо этишда ёш авлод доимо ўрнак ва ибрат бўлиб келган.***

***Халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқаётган бугунги кунда ўғил-қизларимизни ўз сафларида бирлаштирадиган, эски замон асоратларидан бутунлай воз кечган, ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан узвий боғлаган, Ватаннинг шаъни, ор-номуси учун курашга отланган ёш авлодни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган ёшлар ташкилоти тузишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.***

***Ўйлайманки, сизларнинг ташаббусингиз билан ташкил этилаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ана шундай сафарбар кучга айлана олади. Узоқ-яқиндан келган қурултой қатнашчиларининг шижоати, бу борада жойлардаги учрашувларда, матбуотда билдирилаётган фикр-мулоҳазалар янги ташкилот ўз сафларида минг-минглаб фидойи ёшларни жипслаштира олишига умид уйғотади.***

***Ватанимизнинг буюк келажагини қуриш, олдимизда турган катта-катта муаммоларни ечиш, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, ҳаётда миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги тамойилига амал қилиб яшашдек муҳим вазифаларни ёш авлодимиз ўзининг муқаддас бурчи деб билаётгани, айниқса, эътиборга сазовор.***

***Ёшларимиз севиб куйлайдиган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» қўшиғи ҳар бир юртдошимизни Ватанни севишга, унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга даъват этади. Мен ана шу қўшиқнинг маъно-мазмунидан келиб чиқиб, барча ота-оналар номидан сизларга, кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандларимизга қарата айтмоқчиман: биз Ўзбекистонни ҳам, ёшларимизни ҳам ҳеч кимга бермаймиз.***

***Чунки жондан азиз болаларимизни ўзгаларнинг номаъқул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш — келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир. Шунинг учун ҳам ёшларимизни комил инсонлар этиб вояга етказиш, Оллоҳ таоло ато этган қобилиятларини рўёбга чиқариш учун уларга йўл очиб бериш ва барча имкониятларни яратиш — биз ота-оналар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.***

***Кўпмиллатли Ўзбекистон ёшларининг хоҳиш-иродасини, уларнинг жўшқин ва соф интилишларини ифода қиладиган сиз — қурултой делегатлари мураккаб ва шиддатли замон бугун олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни адо этиш борасидаги улкан масъулиятни чуқур англаб, «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг фаолиятини шу асосда ташкил этасиз, деб ишонаман.***

***Ана шу олижаноб мақсад йўлида сизларга ғайрат-шижоат, қурултой ишига муваффақият тилайман.***

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## "КАМОЛОТ" — ЁШЛАР ТАЯНЧИ

Инсон ҳамиша умид билан яшайди. Бу рўйи заминда тирикликнинг маъно-моҳияти ҳам келажакдан умидворлик туй-ғусида мужассам. Сахий замин бағрини юмшатиб уруғ қадаган деҳқон хаёлида мўл ҳосил баракаси. Яхши ниятлар ила ниҳол ўтказган боғбон пайти келиб шохбутоқлар залвор тортиб, сархил мевачевалар боғ ҳуснига ҳусн қўшмоғига сидқидилдан ишонади.

Зеро, умиду ишонч руҳиятида устиворлик касб этмаганида эди деҳқон ерга уруғ қадамаган, боғбон кўчат ўтқазмаган бўлур эди.

Демакки, умидворликка асос лозим. Бир замонлар Жалолиддин Мангуберди-ю Амир Темур, Навоий ва Бобур, Қодирий, Чўлпон тимсолида ўзлигини намоён қилган ўзбек учун, Оллоҳга шукрки, шундай пойдевор мавжуд. Ўша буюк зотлар қони томиримизда, улуғворлиги руҳиятимиздадир.

Фасллар каби авлодлар алмашинади, аммо оталар ва болалар орасидаги ришта узилиб кетмайди. Хусусан, XXI аср ёшлари, Истиқлол авлоди боболар шон-шавкатига муносиб бўлмоғи ҳам қарз, ҳам фарздир.

Янги асрнинг илк кўкламида, Наврўзи айём шодиёналари якунига етган бир маҳалда диёримиз йилномасига заррин ҳарфлар ила битгулик воқеа содир бўлди: пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи ўтказилди. Анжуманга пойтахтимиз ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан вакиллар қатнашдилар.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг табрик хатини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов қурултой иштирокчиларига ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида ёшларнинг жамиятдаги ўрнига алоҳида урғу беради. Юртбошимиз ёзадики: "Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик ва фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир.

Инсоният қадам қўйган янги - XXI аср глобаллашув асри, тараққиёт асри, фақат интеллектуал жиҳатдан юксак ривожланган давлатларгина дунёда устувор мавқе эгаллайдиган давр бўлиши барчамиз учун аён".

Шу маънода "Камолот" ёшлар ҳаракатининг ташкил топиши озод Ватан ёшларининг саъй-ҳаракатларини улуғ мақсадларга йўналтириш йўлидаги муҳим воқеа бўлди. Бу ҳаракатнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг катта ижтимоий кучга айланишига яқиндан кўмак бериш, шарт-шароитлар яратиш, яъни маҳалла, корхона, ўқув масканлари, хўжаликлардаги тизилмалари фаолиятининг амалийлигини таъминлаш жамиятимиз олдидаги долзарб вазифадир. Бинобарин, фарзандларимизнинг бу жараёнда фаол иштироки ота-оналар, мураббийлар ва ёш авлод тарбиясига дахлдор кишилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Албатта, биз ижодкорларнинг ҳам бу қизғин жараёндаги иштирокимиз кенг қамровли бўлмоғи лозим. Олдимиздаги шарафли вазифалар, аввало, ёшларни Ватан ва халқ манфаатларига эътиқод руҳида тарбиялашга, мустақилликни кўз қорачиғидай асраш, буюк келажакни ўз қўллари билан яратишга, илҳомлантиришга даъват этадиган асарлар ёзишга зиммадор этади. Дарҳақиқат, Юртбошимиз табригида алоҳида таъкидлаганидек, "жондан азиз болаларимизни ўзгаларнинг номаълум тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш — келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир. Шунинг учун ҳам ёшларимизни комил инсонлар этиб вояга етказиш, Оллоҳ таоло ато этган қобилиятларини рўёбга чиқариш учун уларга йўл очиб бериш ва барча имкониятларни яратиш — биз ота-оналар учун ҳам қарз, ҳам фарздир".

Ташкилотнинг меъёрий ҳужжатларини тайёрлашда АҚШ, Канада, Буюк Британия, Россия каби мамлакатлар ёшлар ташкилоти иш усуллари пухта ўрганиб чиқилгани алоҳида қайд этилди.

"Камолот" — ёшлар таянчидир. Зотан, шу таянч боис ёшлар ташаббуси Ватан озодлигига, ободлигига йўналтирилса кўзланган натижага, албатта, эришилади. Демак, бобокалонларимиз орзу-ҳавас ила тилга олган комиллик, яъни камолот нақд воқеликка айланади.



**Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 25 апрел куни бўлиб ўтган таъсис қурултойида Ҳаракатнинг Дастури ва Низоми тасдиқланди. "Умид" жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган Ботир Убайдуллаев "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.**

## АСЛ ДЕҲҚОН СИЙРАТИ

### ёхуд миллат ғурурини баланд тутган оталар

***Мен замонамиз қаҳрамони деганда, бугунги ҳаётни ўзгартираётган, янгилик, яхшилик бунёд этаётган, турмушнинг барча оғир-енгилини, тараққиёт юкини ўз елкасига олиб яшаётган ва шу тариқа эртанги ёруғ кун учун курашаётган фидойи, оддий ва хокисор одамларни тушунаман.***

**Ислом КАРИМОВ**

*Озод Ватан одами*

Миллат фахру ғурури бўлишга арзирли одамлар ҳақида сўзлаганда, авваллари, нуқул баландпарвоз руҳда гапиришга одатланиб қолгандик. Ҳолбуки, ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов "тенгсиз заҳматларга кўксин тек очган" қаҳрамонларимиз сувратини ўша пайтлар ҳам табиий тасвирлаб берган эди:

**Балки гапиролмас гапни дўндириб,**
**Сувратдан ҳам боқмас ажиб зотсимон,**
**Турар дўпписини қия кўндириб,**
**Ҳолбуки, номи бор элда: қаҳрамон!**

Шоиримиз ялангтўш бободеҳқонлар ҳақида юксак самимият билан ашъор айтиб, "Бизда шунақадир қаҳрамон ўзбек!" — дея лутф этади ва уларни миллат тимсолига менгзайди.

Тўғрисини айтсам, бундай таърифу тавсифга монанд инсонларни кўрмаганимга, улар билан суҳбатлашмаганимга ҳам анча бўлган экан. Касби туманидаги Шароф Рашидов номи билан аталаётган ширкат хўжалиги далаларини айланиб, ижарачи бригада ишбошиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайбулла Раҳмоновни сураб-суриштириб борганимда, бу қадар оддий ва хокисор, камтар-камсуқим инсонни кўраман, дея сира ўйламагандим. Бироқ Ғайбулла акани кўрдиму, гўё минг йилдан буён даласи ичидан чиқмай келаётган асл бободеҳқонни қайта топгандай бўлдим.

Назаримда, истиқлол боис елкасига офтоб теккан ўзбекнинг чинакам қаҳрамони суврати ва сийрати айнан мана шундай бўлиши керакдай эди. Бир суҳбатнинг ўзидаёқ Ғайбулла ака кўзимга озод элимиз фидойи қаҳрамонларининг бир тимсоли бўлиб кўринди. Унинг гап-сўзларидан заррача мақтанчоқлик ёхуд атай камтарлик қилаётгани сезилмасди.

* * *

Илк бор қаҳрамон билан айни саратон чилласи кунлари учрашган эдик. Осма новдан пахтазорга жилдираб сув оқиб турибди. Эгатларга обиҳаёт шундай таралганки, беихтиёр қирқ кокил қизларнинг тарам-тарам соч толалари кўз олдингизга келади. Бунинг устига бир текисда, баравж бўлиб ўсаётган ғўзалару улар тупига юмшоқ кўрпадек тўшалган топ-тоза тупроқ... Пайкалнинг бошдан-оёқ кўзга бирам кўркам ташланаётган бу гўзал манзарасидан саришта боғбоннинг қўли, қўлигина эмас, дидфаросати, янада аниқроқ айтсак, билимдонлиги аён кўриниб турарди.

Меҳнат қилган билан қўл учида ишлаган одамнинг фарқи фақат ҳосил чўғи, даромаднинг миқдорида эмас. Ҳар куни келиб-кетадиган, ўзининг, болаларининг тирикчилиги ўтадиган, ҳатто баъзан қиш-қировли кунлару саратон чилласида ётиб ҳам қоладиган даласига, шу дала ўртасидаги иккинчи уйига муносабатида ҳам асл деҳқоннинг сийрати аён кўриниб туришини мен бу жойда теранроқ англадим. Ғайбулла ака шийпон атрофига экқан токлар, олмаю зардолулар, яна турфа ноз-неъматлар кишининг кўзини яшнатиб турибди.

Бу манзараларни эринмасдан чизаётганимнинг боиси бор. "Бу йил шароит анча ноўнғай келди", дея нолинишдан нарига ўтмайдиган, ҳатто ўт босиб кетган даласига бепарволигини айтмаган тақдирингизда ҳам, офтоб тиғи остида меҳнат қиладиган қиз-жувонлар, оналар учун на бир туп райҳон, на полиз экишни хаёлига келтирмай, ғўддайиб юрадиган ишбошилар ҳали ҳам хўжаликларимизда оз эмас. Бу ерда эса ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ғамхўр ва меҳрибон, бироқ талабчан отанинг саранжом-саришта рўзғорини кўриб ҳавас қиласиз. Ҳатто даланинг бошида — шийпоннинг шундай олдида ўрилмай турган икки гектарча ғаллага кўзимиз тушганда Ғайбулла ака майин кулимсираб:

— Бу ҳам аъзоларимизнинг ризқ-насибаси, — дейди. — Эрта-индин ўроқда ўриб, тегирмонда тортиб, шийпонга олиб келамиз. Далада ёталай қолиб, ғўза суғорадиган деҳқонларимиз бор... Жами қирқ беш кишимиз. Ўнтамиз — сувчи, тракторчи... Қолганлар эса мавсумий ишловчи қиз-жувонлар. Дастурхон неъматининг бир

Давоми 3-бетда

## НАСАФЛИК АЛЛОМАЛАР

*Ислом маърифати*

Ҳурматли Юртбошимиз бундан қарийб бир ярим йил муқаддам Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашувида сўзлаган нутқида шундай дегандилар: "Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Қашқадарё заминида бундай инсонлар жуда кўп ўтган. Биргина қадимий Насаф шаҳридан ўнлаб фозил зотлар етишиб чиққани бунинг ёрқин далилидир... Афсуски, бу улуғ зотларнинг номларини, уларнинг бебаҳо меросини ҳали кўпчилик билмайди. Қашқадарё воҳасида камол топган мана шундай улуғ аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар тарафлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз, биринчи галда, қашқадарёлик зиёлиларнинг бурчидир".

Ушбу мақоламизда Насафдан чиққан кўплаб насафийларнинг айримлари ҳақида фикр юритамиз. Гарчанд, Қаршида бўлиб ўтаётган илмий анжуман Насафдан чиққан буюк аллома Абул Муъийн ан-Насафийга бағишланса-да (биз бу аллома ҳақида ҳафталигимизнинг ўтган йилги 17 ноябр сонида "Табсират ал-адилла" соҳиби" номи остида катта мақола эълон қилган эдик), мазкур мақолада унинг замондошлари ва издошлари ҳақида фикр юритишни лозим топдик.

### ИСМОИЛ АН-НАСАФИЙ

VIII асрда яшаб ўтган бу олим ҳақида манбаларда жуда кам маълумот сақланган. Бор маълумотлар асосан XIV асрда яшаган мисрлик тарихчи Муҳиддин Абу Муҳаммад Абдулқодир ал-Қураший (1297–1373) қаламига мансуб "ал-Жавоҳир ал-музиййа фи табақот ал-Ҳанафиййа" ("Ҳанафий тоифалар ҳақида порлоқ жавоҳирлар") номли асарда келтирилган. Ан-Насафий ҳақида муаллиф жумладан шундай маълумот беради: "Ан-Насафий ҳанафия (Имом Аъзам) мазҳаби бўйича биринчи маротаба Мисрда қозилик мансабини эгаллаган. Чунончи, Миср аҳли ўша пайтгача Абу Ҳанифа мазҳабини билмаганди. Миср тарихчиси Абу Саъийд ибн Юнус "Ғурабо аллазийна қадиму Миср" ("Миср-да бўлган бегоналар") асарида шундай ёзади: "Қози ан-Насафийдан мисрлик олимлардан Абдуллоҳ ибн Ваҳб, Саъийд ибн Собиқ, Саъийд ибн Абу Марям ва Абу Солиҳ ал-Журжоний (бошқа баъзи манбаларда ал-Ҳарроний дейилган) ҳадис ривоят қилганлар". У Мисрда қозиликни салтанат соҳиби халифа ал-Маҳдий даврида 780 йили эгаллаган эди. Абу Саъийд ибн Юнус ўз асарида яна қуйидагиларни айтади: "Бизга Аҳмад ибн Саъийд ибн Абу Марям сўзлаганди, унга амакиси шундай деган: "Ибн Лаҳийъадан кейин бизга Исмоил ибн ан-Насафий қози бўлиб келди. У қозиларимизнинг ичида энг яхшиси бўлиб, Абу Ҳанифанинг таълимоти бўйича иш юритарди. Унинг мазҳабига кўра, вақф мулкларини васият қилиш бекор этилиши лозим эди. Бироқ унинг бу иши Миср халқига оғир туюлди. Шу боисдан Ал-Лайс ибн Саъд унинг бу иши хусусида халифа ал-Маҳдийга мактуб йўллаб: "Бизнинг қозига на мол-дунё, на диний масалаларда ҳеч бир эътирозимиз йўқ, лекин у бизнинг мамлакатимизда одат бўлмаган янги-янги ҳукму фармонлар чиқармоқда", деди. Оқибатда уч йил қозилик қилгач, у 783 йили мансабидан бўшатилди.

Яна бир манбада айтилишича, зикр этилган Ал-Лайс ибн Саъд қози Ан-Насафийнинг уйига борган. Ан-Насафий уни ҳурмат билан кутиб олган. Сўнгра Ал-Лайс унга:

— Мен Сизнинг ҳузурингизга мухолиф сифатида келдим, — дейди.

Шунда Ан-Насафий: "Нима хусусида?", — деб сўраган.

Ал-Лайс:

— Мусулмонларнинг вақф мулкларини васият қилишни бекор қилиш номақбул экани хусусидаги масала бўйича. Чунончи, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳам, Умар, Усмон,

Давоми 3-бетда



Ўзбек футболининг юлдузи Миржалол Косимов: — Футбол ҳам санъат.

## АЛПЛАР ЮРТИДА

*Эртага пойтахтимизнинг "Юнусобод" спорт саройида ўзбек кураши бўйича 1-Осиё чемпионати бошланади. Унда Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Туркманистон каби ўнлаб мамлакатлардан полвонлар қатнашади. Албатта, бу чемпионат ўзбек курашининг Осиё ёзги ўйинлари ва Олимпиада ўйинлари таркибига расмий спорт тури сифатида киришида муҳим қадам бўлади. Халқаро Кураш Ассоциациясининг Президенти Комилжон Юсупов ва журналист, ўзбек кураши бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Олимжон Ўсарнинг суҳбати шу мавзуда:*



**О.Ўсар:** — Комилжон ака, ўзбек кураши бўйича 1-Осиё чемпионати ўтказилиши ҳақидаги хушхабарни эшитганимдан буён, болалигимда бобомдан тинглаганларим — эртагу достонлар бир-бир хотирамда жонлана бошлади. Тошкентда ўтказилаётган ушбу чемпионатни, беихтиёр бобомдан эшитганим ўша достону ривоятларнинг ижобати деб таъбир қилдим. Негаки, бундан бор-йўғи 10-15 йил муқаддам, ҳатто халқ миллий ўйини сифатида ўтказилиши таъқиқланган ўзбек курашининг бугун жаҳонга юз тутишини ким ўйлабди, дейсиз?! Албатта, буларнинг барчаси мустақиллик шарофати билан амалга ошди. Бугун океан ортидаги мухлислар билан лиқ тўла спорт залларида "ҳалол", "ёнбош", "чала", "ғирром", "дакки", "танбеҳ" сингари ўзбек сўзлари жаранглamoқда. Ёки дунёнинг энг қудратли давлатларидан бири Буюк Британияда Президент Ислом Каримов турнирининг ўтказилиши анъанавий тус олди. Хориждаги қатор халқаро турнирларда шеркелбат паҳлавонларнинг қўлини кўксига қўйиб, ўзбекона таъзим қилганини кўрганимда шу юртнинг бир фарзанди сифатида кўксим тоғдек кўтарилади.

**К.Юсупов:** — Юқорида сиз эслатган қирқ кечаю қирқ кундуз давом этган Алплар юртидаги шерлар кураши фақат эртагу ривоятларда эмас, балки халқимизнинг ноёб дурдоналари ҳисобланмиш "Алпомиш", "Рустам", "Авазхон" сингари достонларида, шунингдек, Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида, юнон муаррихи Элиан Клавдий маълумотларида, Хитой қўлёзмаси "Тан-Шу"да ҳам учрайди. Зеро, тарихда бунга мисоллар жуда кўп. Демоқчиманки, мустақиллик ўзбек миллий курашининг ана шу асрий довруғини қайтадан тиклаш имконини берди. Илк жаҳон ва Осиё чемпионатининг Тошкентда ўтказилишида рамзий маъно бор. Хорижлик полвонлар бу ерга курашнинг энг нозик сир-асрорларини, фалсафаси ва тарихини ўрганғани келади. Чунки Ўзбекистон — курашнинг ватани. Кураш орқали бугун халқимизнинг бой

Давоми 4-бетда

# АЛЛОҲ

**АЛЛОҲ** (араб. "ал-илоҳ" — илоҳий куч, худо), Оллоҳ — ислом динида бутун мавжудотни яратган олий илоҳий куч; худонинг номи. Кейинги йиллардаги адабиётларда маҳаллий талаффузга мослаб Оллоҳ шаклида ҳам қўлланиб келинган. Одатда Аллоҳга таоло (улуғ, олий) сифати қўшиб айтилади.

Шимолий Арабистонда истиқомат қилган самуд қабиласининг ибодатгоҳидан топилган милодий 2-3–асрларга тегишли ёзувда айтилишича, ўша пайтда уларнинг бош худоси — Аллоҳ бўлган. Бошқа шимолий араб (сафовий) ёзувида "ҳолло" сўзи учрайдики, бу ерда "ҳо" ҳозирги замон араб адабий тилидаги аниқлик юкламаси "ал"нинг ўрнини босади. Аллоҳ ислом ёйилиши арафасида баъзи арабларнинг, хусусан, Макка аҳлининг худоларидан бири бўлган, деган фикр ҳам бор. Дастлаб Аллоҳ сўзи маъно жиҳатидан "Илоҳ" (худо) ва "рабб" (парвардигор, эга) сўзларидан фарқ қилмаган. Бунга Муҳаммад(сав)нинг оталари Абдуллоҳ исмида бўлганлари далилдир. Қадимги римликларда Юпитер, юнонларда Зевс, яҳудийларда Яхве, славянларда Перун, туркий тилли халқларда эса Тангри бош худо ҳисобланган. Бинобарин якка худога эътиқод қилиш (қ. *Тавҳид* ) исломдан анча илгари бошланган. Бевосита ислом ёйилиши арафасида ўзларини Иброҳим (ас)га мансуб деб билган ҳанифлар араб қабилаларини ўз санамларидан воз кечишга ва ягона Аллоҳ (Илоҳ)га эътиқод қилишга даъват этганлар. Кўпхудоликни рад этиб, айнан шу Иброҳим(ас) ва бошқа улуғ аждодларнинг яккахудолик динига қайтишни араблар орасида астойдил тарғиб қилишга киришиш Муҳаммад пайғамбар (сав)га биринчи бор ваҳий келган йил — 610 йилдан бошланган.

Ислом динига биноан Аллоҳ — яккаю-ягона Худо, оламнинг яратувчиси ва қиёмат кунининг эгаси. У Муҳаммад пайғамбар (сав)ни инсониятга ўзининг сўнгги элчиси сифатида юборган. Исломнинг энг асосий талаби ҳисобланган калимаи шаҳодат "Ла илоҳа иллалоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ" ("Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад – Аллоҳнинг пайғамбари"), деб уқтиради. Исломга кўра, *Қуръон* Муҳаммад (сав)га нозил қилинган Аллоҳнинг сўзидир. Қуръони каримда Аллоҳнинг ягоналиги ва буюклиги жуда кўп бор таъкидланади. Шунингдек Қуръонда доимо Аллоҳнинг мукаммаллиги, қодирлиги ва улуғлиги ҳақида гапирилади. Аллоҳ "алим", яъни билувчидир, у бўлиб ўтган ишларни, энди бўладиган ишларни, хоҳ катта, хоҳ кичик, барчасини билади; Аллоҳ "мурид", яъни хоҳлагувчидир — дунёдаги ишларнинг ҳар бири Аллоҳ таолонинг иродаси ва хоҳиши ила бўлади, у хоҳлаган иш бўлмай қолмас ва хоҳламаган иш асло бўлмас; Аллоҳ "қадир", яъни ҳар ишга қудрати етувчидир; Аллоҳ "басир", яъни кўрувчи – ер ва осмондаги, қоронғу ва ёруғдаги, катта ва кичик нарсаларнинг барчасини кўради; Аллоҳ "самиъ", яъни эшитувчи – қаттиқ бўлсин, секин бўлсин, ҳар қандай овозларни эшитади; Аллоҳ "мутакаллим", яъни сўзлагувчи – Қуръони каримдаги барча оятлар, шунингдек Таврот, Инжил, Забур китоб-лари Аллоҳ таолонинг сўзидир; Аллоҳ "мукаввин", яъни бўлдиргувчи - дунёдаги барча нарсалар унинг бўлдирмоғи ила бўлгандир; Аллоҳ "раббун", яъни тарбия қилувчи — барча жонли ва жонсиз нарсаларни тарбия қилади; Аллоҳ таоло "одил", яъни тўғрилик қилувчи — ҳар бир ҳукмни ва ҳар бир ишни тўғрилик ила қилади, ҳеч кимга жабр ва зулм қилмайди. У раҳмдил, меҳрибон ва кечиримли. Одамлар бутунлай унга итоат этишлари (исломга киришлари), Худодан қўрқиб виждонли бўлишлари, барча нарсада Аллоҳга ва унинг иродасига ишонишлари лозим. Аллоҳ ўзи хоҳлаган пайтда ердаги барча нарсани барбод этади, ўликларни тирилтиради ва уларни ўз ҳузурига ҳукм қилиш учун йиғади; у ерда ҳар кишининг қилган амалига кўра жаҳаннам *(дўзах)* азобига дучор қилади ёки *жаннат* билан мукофотлайди.

Аллоҳ ҳақидаги таълимот мусулмон дини ва илоҳиёт фанининг асоси бўлиб қолди. Аллоҳ табиатининг турли қирралари ҳадисларда, тафсир ва илоҳиётга оид махсус асарларда тилга олиниб, тушунтирилди. Шунга кўра, Унинг сифатлари инсон сифатларидан тубдан фарқ қилади. Баъзи уламолар фикрича, Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари тўғрисида чуқур баҳс юритиш шаръан ман этилади. Аллоҳ бирор нарсага ўхшатилмайди ва бирор нарса ҳам Аллоҳга ўхшатилмайди.

Аллоҳнинг илоҳий сифатлари Қуръони каримда тилга олинган 99 исмида яққол кўринади (қ. *Ал-асмо ал-ҳусно*).

Аллоҳ билан одамларнинг ўзаро муносабатлари муаммоси исломдаги икки оқим - *суннийлик* ва *шиалик* ўртасидаги фарқланишнинг асосини ташкил этади. Суннийлар Муҳаммад (сав) вафотидан сўнг Аллоҳ билан одамлар ўртасидаги бевосита алоқа тўхтаб қолган деб ҳисоблайдилар. Шиалар эса бу алоқа имомлар орқали давом этмоқда, деб биладилар.

**Ҳамидулла КАРОМАТОВ,**
**Абдулазиз МАНСУР**

**Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг биринчи жилди нашр этилди. Бу мамлакатимиз маданий ҳаётида катта воқеадир. Энциклопедиядан фан, техника ва маданиятнинг барча соҳаларига оид ранг-баранг мақолалар ўрин олган. Унинг биринчи жилдида жами 4800 та мақола бор, 800 га яқин рангли ва оқ-қора суратлар, хариталар берилди. Мақолаларни ёзиш ва тайёрлашда 500 дан ортиқ муаллиф, жумладан Ўзбекистон ФА академиклари, фан докторлари, номзодлари, турли касбдаги мутахассислар иштирок этишди. Қуйида мазкур жилддан ўрин олган айрим мақолаларни газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.**



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ**

**1**
**А-БЕШБАЛИҚ**

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси"
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

## АЛ-МАСЖИД ал-АҚСО

**АЛ-МАСЖИД ал-АҚСО** (араб. – узоқдаги масжид) — Қуддус (Иерусалим) шаҳридаги қадимий ибодатхона (Сулаймон ибодатхонаси). Қуръонда шу ном билан тилга олинган. Исломдан илгари араблар, ундан кейин мусулмонлар жамоасининг аъзолари Ал-масжид ал-Ақсо томонга қараб ибодат қилганлар. 642 йилда Маккадаги Каъба *қибла* деб эълон қилингандан кейин у томонга қараб ибодат қилиш тўхтатилган. Кейинчалик VII аср охири – VIII аср бошида халифа Абд ал-Малик томонидан бу ер Ҳарам аш-Шариф деб аталган ва ислом ибодатхоналари мажмуи – Қуббат ас-Сахра (687–691) масжиди ва бошқалар барпо этилган. Мажмуанинг ҳаммаси халқ орасида Ал-масжид ал-Ақсо ҳам дейилади.

Масжид дастлаб христиан *базилика*си шаклида бўлган. Ёзма манбаларга кўра, тарҳи (102,80х69,20 м) кўндалангига қиблага қаратиб, II *нефли*, равоқли қилиб ишланган. Ўрта нефи кенгроқ, томи текис қилиниб, меҳроб билан тугалланган (ҳозир гумбазли хонани ташкил қилади). Икки ён томонидаги нефларнинг томи қия нишабли қилиб ёпилган. Равоқлари мармар устунларга таянган. Жанубий қисмидаги равоқ ва устунлар ахоманийлар даврига оид, шимолий қисмидаги кошин қолдиқлари 1035 йилга оиддир. Кейинчалик масжид тош ва ёғоч ўймакорлиги билан безатилган.

# БЕДИЛ

**БЕДИЛ** (тахаллуси; асл исми Мирзо Абдулқодир) (1644, Бенгалия, Азимобод ш. – 1721, Деҳли) – шоир, мутафаккир. Ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Ота-бобоси кеш (шаҳрисабз)лик, туркий барлос уруғидан. Ёшлигидан турли фанларга қизиққан. Шайх Камол, шоҳ Фозил ва Мирза Абдулқосим каби олимлардан таълим олган. Ҳиндистон бўйлаб кўп саёҳат қилган, 1685 йилдан умрининг охиригача Деҳлида яшаган. Форс тилида ижод қилган. Араб, форс, ҳинд, урду тилларини мукаммал билган, шарқ халқлари адабиётини, тасаввуф ва юнон фалсафасини, айниқса Аристотел фалсафасини атрофлича ўрганган. 10 ёшларидан бадиий ижод билан шуғулланган. 20 ёшида шеърларини саралаб тўплашга киришган. Мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда яшаб ижод қилган шоир ўз даврига бефарқ қарамаган, ҳиндлар ва мусулмонларнинг тинч-тотув яшашлигини, юртни обод, халқни тинч-осойишта, фароғатда, ҳамжиҳатликда кўришни орзу қилган. Инсон эркинлиги, тафаккури ҳақида фалсафий фикрлар баён этган. Унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари тасаввуф ақидалари таъсирида шаклланган. Бедил дунёқараши тасаввуфнинг ваҳдат ул-вужуд таълимотига асосланади, яъни оламни Аллоҳнинг кўзгуси, инсон қалбини шу кўзгунинг маркази деб билади. Инсон қалби қанчалик сайқал топса, у шунча Аллоҳ нурини акс эттиради. Шу боис Инсон буюк ва қудратлидир. Аммо буни унинг ўзи англаши лозим, дейди.

Бедил 120 минг мисрадан ортиқ шеърий, кўпгина насрий асар ёзган. Ғазал, рубоий, қасида, қитъа, таржиъбандларининг ўзи 75 минг мисрани ташкил этади. Йирик асари "Чор унсур" ("Тўрт унсур", 1703) насрда ёзилган бўлиб, шеърлар ҳам илова қилинган. Китобнинг дастлабки бобларида Бедил ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Сўнгги икки бобда эса тўрт унсур – ҳаво, сув, ер, олов тўғрисида; ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамнинг пайдо бўлиши ҳақида сўзлайди. Мутлақ руҳ, руҳ ва нарса тўғрисида гапиради, дин ҳамда руҳонийларнинг ўрни ҳақидаги ўз фикрларини ифодалайди. Китобда парилар, жинлар, уйқу, туш кўриш ва б. ҳақида ҳикоя ва афсоналар ҳам мавжуд.

Бедил "Ирфон" ("Билим", 1711-12; "Комде ва Мудан", "Нукот" асарлари ҳам шунинг таркибида) достонида фалсафа, тарих, табиёт, адабиёт ва илоҳиётнинг хилма-хил масалаларига тўхталган. Асарда борлиқ, материя, заррачалар, жонли мавжудот ва нарсалар табиати ҳақида, наботот тўғрисида сўзлайди. Борлиқ, йўқлик, фано, бақо сингари фалсафий масалалар ҳақида фикр билдиради. Тил ва тилнинг хизмати, аҳамиятини талқин этади, ҳиссий ва ақлий билиш манбаи, туйғу, тушунча, ақл ҳақида муҳокама юритади. У ҳинд фалсафасидаги "таносух" назарияси ҳамда ислом фалсафасидаги "таваккул" таълимотини танқид қилади. Табиат ҳодисаларини табиатнинг ўзини ўрганиш йўли билан тушунтириш лозим деб билади. Унингча, дунё абадий бўлиб, тўхтовсиз ҳаракат қилади ва ўзгариб туради. "Комде ва Мудан" достонида дўстлик, муҳаббат, вафодорлик, адолат, илм-маърифат масалалари акс этган. "Нукот" ("Ҳикматли сўзлар") асарида эса Бедил қарашларини якунлаб, умумлаштирган. Бунда Бедил ўз таълимоти асосларини ҳам қисқача баён қилган.

"Тилсими ҳайрат" (1669), "Муҳити аъзам" ("Буюк океан", 1681), "Тури маърифат" ("Маърифат тоғи", 1687), "Ғазалиёт", "Рубоиёт" ва бошқа асарларида ҳам ижтимоий масалалар ёритилган. Шеърларида тарбия, хулқ-ахлоқ тўғрисидаги ўз фикрларини билдиради, жамиятдаги жабр-зулм, адолатсизлик каби иллатларни қоралайди.

Бедилнинг ижтимоий масалаларга оид қарашларида маърифатпарварлик, мурувват ва одамийлик асосий ўринни эгаллайди. Асарларининг кўпчилиги 16 жилдли "Куллиёт"ига кирган. (Бомбай, 1882).

Ҳиндистон билан Туркистон қадимдан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқада бўлган. Бу Туркистонда Бедил асарларининг тарқалишига кенг йўл очган, аммо турли ижтимоий гуруҳ вакиллари шоир меросидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланадилар. Бедил асарларида Туркистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги алоқага доир маълумотлар ҳам кўплаб учрайди. У "Чор унсур" асарида Жайҳун (Амударё), Туркистон тўғрисида, Самарқанддан Ҳиндистонга қавм-қариндошлари келганлиги тўғрисидаги маълумотларни келтиради.

Бедил асарлари айниқса 19-асрдан Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Улар фалсафий фикрга бойлигидан Бедил Туркистонда "Абулмаъоний" ("Маънолар отаси") деган ном олган. Унинг китобларини ўқиб берувчилар "бедилхонлар" деб аталган. Фурқат, Муқимий, Аваз, Аҳмад Дониш, Хислат ва бошқа шоирлар ўз ижодида Бедилнинг илғор фикрларидан фойдаланганлар. Аҳмад Дониш Бедилнинг илғор ижтимоий-фалсафий ғояларини ўрганган, улардан ижтимоий ҳаётдаги камчиликларга қарши олиб борган курашида фойдаланган, илғор ғояларни оммалаштиришни ўз бурчи деб билган. Фурқат Бедилнинг фан, маърифат, халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳақидаги ғоясини ўрганган. Улардан дунёвий билимларни ўрганиш, халқни маърифатга чорлаш ҳақидаги асарларида самарали фойдаланган. Бедилнинг ижтимоий тузум ҳақидаги қарашлари Муқимий, Асирий ва бошқа мутафаккирларни ҳам қизиқтирган. Улар Бедил ижодининг мураккаб услуби ва зиддиятли томонлари, илғор жиҳатларига муносиб баҳо берганлар. Ўзбекистонда Бедил ижоди бўйича илмий тадқиқотлар (Ғ. Ғулом, И. Мўминов ва б.) олиб борилди.

*Ас.*: Комде ва Мудан, Т., 1960; Рубоийлар, Т., 1974.

*Ад.*: Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик классиклари ижодида гуманизм, Т., 1968; Мўминов И. Мирзо Бедил, Т., 1974; Шукуров Ш., Мирзо Бедилнинг поэтик мероси, Т., 1979.

**Нажмиддин КОМИЛОВ**

## АЛИ АВЛОДЛАРИ

**АЛИ АВЛОДЛАРИ** – Али ва унинг хотини – Фотима (Муҳаммад пайғамбарнинг қизи)дан тарқалган авлодлар.Ўрта аср мусулмон мамлакатларидаги айрим сулолалар – идрисийлар, фотимийлар, зайдийлар улардан бошланган. Марокашдаги алавийлар сулоласи ўзини Али авлодлари деб ҳисоблайди. Али авлодлари ҳозирги вақтда барча мусулмон мамлакатларида мавжуд. Али жами 28 фарзанд кўрган, шулардан 11 нафари ўғил, 17 нафари қиз эди. Фотимадан тарқалган Али авлодлари "сайидлар", ўзбеклар орасида "тўралар" деб аталади. Алининг бошқа хотинларидан тарқалган авлодлари "хўжалар"га киради.

**АБУ ЗАЙД** ибн Саҳл Балхий (850, Балх вилояти Шомиётиён қишлоғи – 934) – географ, фалакиётшунос, тилшунос ва табиб. Ўрта аср география мактабининг мумтоз вакили. Абу Зайд қисқа муддат Бухорода яшаган. У араб файласуфи Киндийнинг шогирди. Абу Зайд "Китоб фи фазли синоат ил-китобат" ("Котиблик санъатининг фазилати ҳақида китоб"), "Китоб фи фазилати илм ил-ахбор" ("Тарих илмининг фазилати ҳақида китоб"), "Китоб ул-асмо ил-куня вал-алқоб" ("Лақаблар, куялар ва исм-лар ҳақида китоб"), "Китоб ун-наҳв ват-тасриф" ("Грамматика ҳақида китоб"), "Китоб фи фазилати-улум ир-риёзиёт" ("Математика илмларининг фазилати ҳақида китоб") каби 60 га яқин асарлар муаллифидир. Ер юзининг географиясига оид "Сувар ул-ақолим" ("Иқлимлар суратлари") асари 920-йилларда ёзилган бўлиб, асли сақланиб қолмаган, аммо уни ўз даврида кўрган ва ўқиган сайёҳларнинг кўрсатишича, Абу Зайд ўз китобида хариталар ва Ернинг тасвирини бермоқни мақсад қилган, дунёни қуш шаклига ўхшатиб, доиравий харитасини чизган. Бу асарни Истахрий янги маълумотлар (Форс вилояти, Хузистон, Шим. Ҳиндистон географияси) билан бойитган. Кейинчалик ироқлик Ибн Ҳавқал ҳам бу китобга баъзи ўзгаришлар ва қўшимчалар қилган, оқибатда "Китоб ул-масолик вал-мамолик" — машҳур географик асар юзага келган. Китоб ичига турли хариталар илова қилинган, бу хариталар мажмуи фан тарихида "Ислом атласи" номи билан машҳур.

# АБУ ЗАЙД




**Абу Зайд тузган дунё харитасининг ўзбекча таржимаси**

## ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Аввало Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1-жилдининг нашр этилиши халқимиз ва мамлакатимиз тарихида, маданий, илмий, адабий, қолаверса, сиёсий ҳаётимизда муҳим воқеалардан бири эканлигини таъкидламоқ керак. Бу минглаб кишилар — синчков муаллифлар ва фидойи ходимлар машаққатли меҳнатининг самарасидир.

Ёзувчилар ҳақида берилган мақолаларнинг аксарияти баланд илмий савияда, содда ва жонли ёзилган. Мақолаларнинг ҳажми ҳам ўша ёзувчиларнинг адабиётдаги ўрни, мавқеига мос. Масалан, Абдулла Қаҳҳорга бир саҳифа, Абдулла Қодирийга қарийб уч саҳифа жой берилган. Кўплаб бошқа шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам мухтасар маълумот берилган.

Қомусда адабиёт, адабий муҳит, адабий тил, адабий-маданий мерос, адабиёт назарияси, адабиётшунослик сингари талай терминларнинг аввалги қомусдан фарқли ўлароқ, тамомила миллий материалга асосланиб ёзилганлиги аҳамиятлидир.

Хуллас, қомус, ундаги материаллар ҳақида кўп илиқ гапларни айтиш мумкин. Лекин, кейинги жилдларни янада сифатлироқ нашр этиш учун айрим мулоҳазаларимиз бор. Жаҳондаги бошқа қомуслар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда мақолалар остида иложи борича муаллифлар, фойдаланилган адабиётлар номини кўрсатган маъқул. Бу маъсулият иш сифатининг ошишига олиб келади.

**У. НОРМАТОВ, Р. ИНОҒОМОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети профессорлари**

# АМИР ТЕМУР БОҒЛАРИ

**АМИР ТЕМУР БОҒЛАРИ** – Амир Темур Самарқанд атрофида бунёд эттирган боғлар. Амир Темур боғлари хусусидаги дастлабки маълумотлар ўтмиш тарихчилари, шоирлари, сайёҳлари асарларида учрайди. Шунингдек, Амир Темур боғлари ўрта асрлар рассомлари миниатюраларида ҳам тасвирланган.

Амир Темур боғлари тузилишига кўра 2 турга бўлинган: 1) чорбоғлар – геометрик (тўртбурчак, тўғри тўртбурчак) шаклда бўлиб, ҳар томони тахминан 1 км масофага чўзилган. Саҳнидан ўтган ариқлар уларни тенг 4 қисмга ажратиб турган. Атрофидаги баланд пахса деворларнинг ҳар бурчагида минора бўлган. Марказда сарой жойлашган. Бундай боғларнинг дарвозалари шаҳар тарафга қаратиб қурилган; 2) тузилиши геометрик шаклда бўлмаган, табиий дарахтзор ва чакалаклар бағрида барпо этилган боғлар. Бундай боғлар ҳукмдор шикор (ов) қилиши учун мўлжалланган бўлиб, асосий қисми табиий, қўл теккизилмаган ҳолда сақланган. Уларнинг кичик бир қисмигагина дам олиш учун сарой, кўшк ва чодирлар қурилган, ҳовузлар қазилиб, фавворалар ўрнатилган. Бу турдаги боғларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлган.

Амир Темур боғларидан энг машҳурлари қуйидагилар:

Боғи Баланд. Амир Темур Самарқанднинг шимолидаги Чўпонота мақбараси яқинида набираси (Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. Уни барпо қилишда Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар боғчилик санъати усталари ҳамда меъморлари қатнашган. Боғ ўртасида Табриз оқ марморидан қурилган ҳашаматли қаср бўлиб, унинг атрофидаги узумзор, анжирзор ва олмазорлар боққа гўзал бир тароват бахш этиб турган.

Боғи Беҳишт. Амир Темур Самарқанднинг ғарбида суюкли хотини Туман оға (Хайруннисо)га атаб қурдирган (1378). Ёзма манбаларда "Боғи Жаннат" номи билан аталади. Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, боғ ўртасида атрофи хандақ билан муҳофаза этилган сунъий тепалик устида Табриз оқ мармаридан қурилган ҳашаматли сарой бўлган. Саройга бир неча кўтарма кўприклар орқали кирилган. Саройнинг бир тарафида ҳайвонот боғчаси ҳам бўлган.

Боғи Давлатобод. Амир Темурга Ҳиндистон юришидан қайтган куни (1399й. 22 апрель) ҳадя қилинган. Археологик тадқиқотлар (И.А.Сухарёв, 1936 ва Ў.Алимов, 1967) га кўра, у Самарқанддан 13 км жанубда, Катта Ўзбекистон трактининг чап томонида бўлган. Амир Темур бу боғда зафарли юришлардан қайтгач, дам олган, тантанали маросимлар ўтказган, элчиларни қабул қилган. Археологик қазилмалар натижасида боғнинг 1350х900 м майдонни эгаллагани, атрофи баланд пахса девор билан ўралгани ва унда ариқлар, 4 ҳовуз (бири 62х28 м, иккитаси 25х25 м, яна бири 32х32 м) ҳамда сарой (пойдевори 70х70 м) бўлгани аниқланди. Сарой сунъий тепа (баландлиги 12 м) устига қурилган, атрофи хандақ (эни 20 м) билан ўралган. Унга 2 та кўтарма кўприк орқали кирилган.

Боғи Дилкушо (кўнгил очувчи боғ). Амир Темур хотинларидан бири – Тўқалхоним шарафига қурдирган (1397). Самарқанддан 5 км шарқда, Панжакент йўлининг ўнг томонида (қад. Ҳиндувон қишлоғи ўрнида) жойлашган. Ҳар тарафи 900 м узунликдаги баланд пахса девор билан ўралган, 4 дарвозаси, марказида ҳашаматли сарой жойлашган. Сарой уч қаватли бўлиб, ҳар қаватида фаввора отилиб турган. Сарой деворларига Амир Темур олиб борган урушлардан лавҳалар чизиб қўйилган. Амир Темур Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавихони ана шу боғда қабул қилган. Бу боғ ўрнида ҳозир Дилкўшо қишлоғи жойлашган.

Боғи Жаҳоннамо (Жаҳон кўзгуси). Амир Темур Самарқанддан 7 фарсах (42 км) нарида, Зарафшон тоғи этагида қурдирган (1398). Унда сарой ва қалъа бўлган. "Зафарнома"да ёзилишича, бу боғнинг ҳудуди бениҳоят катта бўлиб, йўқолиб қолган от 6 ойдан сўнг топилган экан.

Боғи Майдон. Амир Темур Самарқанднинг шимолида, Чўпонота тепалиги этагида қурдирган. Тарихий манбаларга қараганда, боғда ҳашаматли бир айвон (кўшк) ва қимматбаҳо тошлардан ясалган тахт бўлган. Мирзо Улуғбек бу боғни янада обод қилган. Бобур шу ҳақда бундай деб ёзади: "Бу боғнинг ўртасида (Улуғбек) бир олий иморат қилибдур. Чил(қирқ) сутун дерлар, ду (икки) ошёна (қават), сутунлари тамоми тошдин. Бу иморатнинг тўрт буржида тўрт минордек буржлар қўпорибтурларким, юқориға чиқар йўллар бу тўрт буржиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардир. Баъзини морпеч хиёра (бурама, кўпқиррали) қилибдурлар. Юқориги ошёнанинг тўрт тарафи айвондир, сутунлар тошдин. Ўртаси чордара уйдир. Иморат курсисини тамоми тошдин фарш қилибдирлар". Бу боғ ўрни ҳозир ҳам Боғи Майдон деб аталади.

Боғи Нав (Янги боғ). Амир Темур Самарқанднинг жанубида қурдирган (1404). Лолазор қишлоғи ўрнида жойлашган. Бу боғ тўртбурчак шаклда бўлиб, атрофи баланд пахса девор билан ўралган, ҳар бурчагида минора қад кўтариб турган. Марказида бошқа боғлардагига нисбатан каттароқ қаср, унинг олдида ҳовуз бўлган.

Боғи Чинор. Амир Темур Самарқанднинг шарқида (Конигилнинг жануби-ғарб тарафида, ҳозирги "Кўш тамғалик" тепалиги ўрнида) барпо қилдирган (1404). Унда чинорлар кўп бўлган. Марказида хочсимон тарҳли сарой жойлашган.

Боғи Шамол. Амир Темур 1397 йилда набираси (Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. Самарқанднинг ғарбида бўлган. Ундаги сарой тўртбурчак шаклда бўлиб, ҳар томони 1500 қадамни ташкил қилган. Деворларига мармар қоплатиб, саҳни қора ёғоч ва фил суягидан ишланган. Бу боғ жойлашган ҳудуд ва у ердаги ариқ ҳозир ҳам "Боғи Шамол" деб аталади.

Самарқанд атрофида булардан ташқари яна бир қанча боғлар бўлган. Чунончи, Боғи Бўлду, Боғи Зоғон, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Амирзода Шоҳрух, Боғча, Боғи Дилафрўз, Боғи Шерон, Гулбоғ, Лолазор, Бедана қўруғи, Чумчуқлик, Ғозхона ва б. шулар жумласидандир. Амир Темурнинг боғ қуриш анъанасини темурийлардан Шоҳрух, Улуғбек, Бобур ва бошқалар ҳам давом эттиришган.

**Ўктам АЛИМОВ**

**АБСУРД ДРАМА**, абсурд театр, ғайримантиқий театр – драматургиядаги оқимнинг шартли номи. 50–60-йилларда оқим тарафдорлари инсон ҳаёти маъносиз, мавҳум деган нуқтаи назарни илгари суради. Улар фикрича, инсон ҳатто нима учун яшаётганини ҳам англаб етолмайди, у доимо ёлғон бурч, ёлғон ахлоқ, ёлғон муносабатлар қурбони бўлаверади. Абсурд драма асосчиси ва назариётчиси С. Беккетнинг "Годонинг кутилиши" (1952) фожиали комедиясида Вламидир ва Эстрагон ташландиқ йўлда учрашиб қолишади, асар давомида иккаласи ҳам Годони кутиб ўтиришади. Асарда бошқа воқеа йўқ. Годо балки бойликдир, балки бахтдир, балки ўлимдир? Асарда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмайди, ундан чиқадиган хулоса шуки, инсон ҳаёти ҳам Годони кутиш каби ёлғон, мавҳум, маънисиз умидларга тўла. Узоқ вақт Абсурд драма намояндалари асарига қуруқ сафсата деб қараб келинди, бироқ 70-йилларга келиб, улар давр олдига қўйган муаммолар долзарб эканлиги аён бўлди.

Абсурд драма оқими театр, драматургияга саҳна шарт деган тушунчани олиб кирди, уни назм ва насрдаги илғор анъаналар билан мослаштирди, театр, саҳна ҳақидаги тасаввурларни бир қадар янгилади, унга замонавийлик бағишлади.

# АЛЛА

**АЛЛА** – 1) болани ухлатиш жараёнида яккахонлик услубида айтиладиган қўшиқ. Ўзбек, уйғур ва тожик халқлари орасида Алла номи билан юритилади. Одатда оддий куйлар билан, баъзида речитатив тарзда, бешик ёки беланчакни тебратиш суръатига мос равишда ижро этилади. Матни, асосан, тўртлик; ижро услуби эркин, бадиҳагўй. Алла онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, умид ва орзулари, яхши ният ва тилакларини англатиш билан бирга руҳий кечинмаларини ҳам ифодалайди. Шу боис баъзи Алла намуналари йиғи оҳангларига яқин бўлади; 2) бешик тўйи жараёнида бешикни олиб кираётган аёллар томонидан айтиладиган қўшиқ. Ижро хусусиятлари байрамона маросим кайфиятига мос; тантанавор доира усули жўрлигида куйланиши мумкин; 3) Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида Алла номи билан айтиладиган маросим қўшиқлари. Мас., Бухоро вилояти Олот ва Қоракўл туманлари ҳамда Хоразмда дафн маросими жараёнида навбат билан аёллар (ёки махсус чақирилган аллачи-гўянда, халфа) томонидан бадиҳа услубида айтиладиган қўшиқ ва бошқалар. Айрим тахминларга кўра, Алла номи "Аллоҳ" сўзидан келиб чиқиб, Яратгандан чақалоқни ўз паноҳида асрашни илтижо қилишга нисбат билан боғлиқ. Анъанавий Алла хусусиятларидан ўзбек бастакорлари (Т.Жалилов, Ю.Ражабий, Ф.Содиқов) ва композиторлари (А.Муҳамедов, И.Акбаров, С. Юдаков) ижодий фойдаланишган.

*Ад.:* Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари, Т., 1974; Романовская Е. Статьи и доклады. Записи музыкального фольклора Т., 1959; Турсунов Н. Бухоро удумлари. Т. 1994.

**Саҳифани Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ тайёрлади**



**Андижон шаҳридаги Бобур миллий боғи**

